

# ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

## Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти илмий-назарий, амалий- услубий, маънавий-маърифий журнали

*Журнал бир йилда тўрт марта нашр этилади.*

### **Бош муҳаррир:**

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ

Бош муҳаррир ўринбосари:

Гўзал ХАЛИКУЛОВА

### **Тахрир хайъати:**

Тешабой БАЯНДИЕВ

Узоқбой БЕГИМҚУЛОВ

Мансур БЕКМУРОДОВ

Нилуфар ИСОКУЛОВА

Нуриддин САФАЕВ

Муҳаббат ТУЛЯХОДЖАЕВА

Сарвиноз ҚОДИРОВА

Дилафрўз ҚОДИРОВА

Зебо ҚОСИМОВА

Жамоачилик кенгаши:

Оқил ИБРОҲИМОВ

Замира ИШАНХОДЖАЕВА

Абдуҳалил МАВРУЛОВ

Шавкат ШАРИПОВ

Акбар ҲАКИМОВ

**Мақолада келтирилган фактларнинг  
тўғрилиги учун муаллиф масъулдир.**

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томони-  
дан 2015 йил 14 декабрда 0862-рақам  
билан рўйхатга олинган.

ISBN 2181-8932



## МУНДАРИЖА

### БОШ МУҲАРРИР МИНБАРИ

Б. Сайфуллаев. Замонавий бадиий таълимни ривожлантириш-асосий вазифамиз..... 3-9

### I. ТЕАТР ВА КИНО

1. С. Қодирова. Европа русумидаги ўзбек театрининг шаклланиш даврида репертуар сиёсати. 10-15
2. Ф. Абдувоҳидов. Вилоят театрларида репертуар масаласи (*Сурхондарё вилоят театри мисолида*). 16-25
3. Ҳ. Ниёзова. Ўзбекистон замонавий бадиий киносида аёл образи (*Ёлқин Тўйчиев сценарий ҳамда фильмлари мисолида*)..... 26-33
4. А. Исмоилов. Ўзбек миллий академик драма театрида тарихий асарларнинг сахнавий талқини..... 34-39

### II. МУСИҚА САНЪАТИ

1. О. Иброҳимов. Мустақиллик даври ўзбек мусиқа маданияти..... 40-46
2. Р. Юнусов. Шашмақомнинг нота сабоқлари..... 47-53
3. А. Ташматова. Янги даврда ўзбек халқ чолғулари оркестри ижрочилиги..... 54-57
4. Т. Седых. Блюз в творчестве композиторов Узбекистана ..... 58-62

### III. САНЪАТ ТАРИХИ, ФАЛСАФАСИ ВА НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС

1. А. Ўлмасов. Ўзбекистоннинг қадимги бадиий хунармандчилигига оид янги маълумотлар (*“Далварзинтепадан янги топилма – гиппокамп тасвирланган тош диск”*)..... 63-67
2. Ҳ. Шодиев. Маданият ва санъат соҳасида раҳбарлик фаолияти самарадорлигини ошириш механизмлари..... 68-72
3. Қ. Нишонбоева. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласини ҳал этишнинг маданий жиҳатлари ва муаммолари..... 73-78

### IV. ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

1. А. Кошелева, Н. Шахназарова. Идея толерантности в истории педагогической мысли Средней Азии..... 79-84
  2. А. Баҳриев. Миллий мусиқий тасаввурларни шакллантириш борасидаги тадқиқотлар тарихига бир назар ..... 85-89
  3. О. Васильченко. Основы творческого подхода в процессе обучения..... 90-94
- СОЛНОМА ..... 95-97

## ЗАМОНАВИЙ БАДИИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ- АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш, жаҳон миқёсидаги илғор тажрибалар асосида замонавий маданият ва санъат муассасаларини барпо этиш, уларни моддий техник базасини мустаҳкамлаш, ижодкор зиёлиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига давлатимиз томонидан алоҳида аҳамият қаратилиб келинмоқда.

Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев ҳар бир чиқишларида ёшларни маънавий савиясини юксалтириш, уларни етук, баркамол шахс қилиб тарбиялаш, ёш истеъдод эгаларининг қобилияти ва салоҳиятини рўёбга чиқариш энг асосий вазифалардан бири эканини, қолаверса, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилишнинг бугунги янги босқичида маданият ва санъатнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ошириш, ёшларимизни турли ёлғон ғоялардан асраб-авайлаш тўғрисида куйиниб гапиришлари бежиз эмас.

Айниқса, жорий йилнинг 15 июнь куни Президентимизнинг “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқида фарзандларимизга тўғри тарбия бериш, уларнинг юриш-туриши, кайфиятидан доимо огоҳ бўлиш, биринчи навбатда давомат масаласида ниҳоятда жиддий ишлашимиз лозимлиги, уларни илму фанга қизиқтириш, иш билан таъминлаш борасида керак бўлса “ухламасдан” ҳаракат қилишимиз зарурлиги юзасидан қатор фикрларни айтди.

Таълим соҳасида ҳар соатда, доимий ва

тизимли равишда иш олиб бориш кераклиги, мафкура соҳасида бўшлиқ деган нарсани ўзи бўлмаслиги учун санъат соҳаларида амалга оширилаётган ишларни, жумладан, санъат фестивалларига, спорт мусобақаларига ёшларни кенг жалб қилишни янада жонлантиришимиз муҳим масала эканлигига алоҳида урғу берилди.

2017 йил 7 февралда тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси беш босқичда олиб борилиши, юртимизда 2017 йилни “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб номланишидан келиб чиқиб, давлат дастурлари қабул қилинди. Ана шу дастурда олий таълим муассасалари учун жуда катта масъулиятли вазифалар юклатилди. Масалан, дастурда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, институтимизда илмий-педагогик кадрлар заҳирасини яратиш мақсадида магистратура ва докторантурага қабул қилиш тизими ва сифатини оширишимиз, уларни илмий ишларга жалб қилишни кучайтиришимиз, яъни ҳар бир кафедраларимизда олиб қолинган ёш педагогларнинг илмий мавзуларини шакллантириш, уларга илмий даражага эга маслаҳатчиларни бириктириш, илмий анжуманлар, матбуот анжуманлари, брифинглар ўтказиш, “Адабиёт ва санъат – шахс маънавиятини бойитиш ва юксалтириш омили” мавзусида ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар, адабиётшунос олимлар иштирокида учрашувларни ҳамкорликда ўтказиш энг муҳим масалалардан эканлиги таъкидланган.

Зеро Ўзбекистон давлат санъат ва мадани-



2017 йил 20 июнь “Замонавий бадиий таълим: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги брифинг

ят институти, Ўзбекистон давлат консерваторияси, К.Бехзод номидаги миллий расомлик ва дизайн институти, Миллий рақс ва хореография Олий мактаби, ЎзДСМИ Нукус филиали каби олий таълим муассасалари 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши асосий Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид давлат дастури бўйича санъатда бадиий таълимни янада ривожлантиришнинг аниқ чора-тадбирларини ишлаб чиқдилар ва ўз вазифаларини бажаришга киришиб кетдилар.

Айниқса, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш бўйича кафедларда, факультетларда самарали тадбирлар амалга оширилмоқда. Таълимни ривожлантириш борасида профессор-ўқитувчилар, талаба ёшлар ўртасида семинар-тренинглар ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори ижросини таъминлаш бўйича республикамиздаги маданият ва санъат соҳаси тизи-

мига юқори малакали кадрларни сифатли тайёрлаш, соҳанинг келажакда ривожланиш истиқболини инобатга олиб, олий таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликларини янада мақбуллаштириш ва унификациялаш, институтга 2017/2018 ўқув йилида талабалар қабулини амалга ошириш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги “2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-2955 қарори бўйича тўхталадиган бўлсам, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг ўзида 2017/2018 ўқув йилида Касб таълими (йўналишлар бўйича), Санъатшунослик (турлари бўйича), Актёрлик санъати (турлари бўйича), Режиссёрлик (турлари бўйича), Техноген санъат (турлари бўйича), Кино-телеоператорлик, Халқ ижодиёти (турлари бўйича), Маданият ва санъат соҳасини ташкил этиш ва бошқариш, Санъатда анимация ва мультимедиавий лойиҳалаш, Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик, Ижтимоий-маданий фаолият каби таълим йўналишлари кесимида 350 нафар талабалар

қабулини амалга ошириш режалаштирилган. Шундан 89 нафари давлат гранти, 261 нафари тўлов-шартнома асосида қабул қилинади.

2017/2018 ўқув йили қабули жараёнида юқорида қайд этилган қарор асосида янгидан Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик таълим йўналишига қабул амалга оширилади. Бунда жами 50 нафар, шундан 10 нафари давлат гранти асосида, 40 нафари тўлов-шартнома асосида қабул қилинади.

Институт таълим йўналишлари, таълим шакли ва тили бўйича қабул квоталари, тест ўтказиладиган фанлар рўйхати ҳамда ихтисослик бўйича ижодий имтиҳон топшириладиган таълим йўналишлари тўғрисидаги маълумотлар жамланмаси тўпланиб, абитуриентларнинг тўлиқ маълумотлар олиши учун тарғибот-ташвиқот лавҳалари ва бошқа зарурий маълумотларни тайёрлаш ишлари якунига етказилди.

Жорий йилда тест синовларига қатнашадиган абитуриентлар сони ўтган йилга нисбатан 20-25%га ошиши кутилмоқда. Ҳозирда тест синовларини ўтказиш учун барча талабларга жавоб берадиган бино ва аудиториялар танланиб, тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2005 йил 31 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-213-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 31 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1765-сон Қарорларида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, абитуриентларга белгиланган тартибда шароитлар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон қарорида белгиланган вазифалар ижроси бўйича институтда 2017-2021 йиллар давоми-

да янги таълим йўналишлари ва мутахассисликларини очиш, фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчиларни етакчи хорижий мамлакатлар олий таълим муассасаларида стажировка, малака оширишини, магистр талабалар алмашинувини йўлга қўйиш, таянч докторант (PhD)ларни тайёрлаш ҳамда босқичма-босқич институт моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масалалари киритилган.

Институтимиз билан Жанубий Корея Республикасининг Осиё маданият маркази ва Россия Федерациясининг Санкт-Петербург маданият институти билан ҳамкорликда мазкур масалаларни амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Яъни, Кореяга 2017 йилда 3 нафар, Санкт-Петербургга 6 нафар профессор-ўқитувчилар ҳамда 1 нафар магистр талабани юборишни режага киритганмиз. Мазкур жараён келажакда институтнинг илмий салоҳияти ва ўқув жараёнининг самарадорлигини ўсишига олиб келади.

Албатта санъат ва маданият соҳаларида малакали кадрлар тайёрлашда бадиий таълимни кучайтириш энг долзарб масаладир. Айниқса, институтда яқка тартибдаги дарс машғулотларини ўз ўрнига қўйиш, ҳар бир талабаниннг ижодий имкониятини очиш учун ўзига хос услубда ёндашувни такомиллаштириш борасида ҳам талайгина ишлар амалга оширилмоқда.

“Олий таълим муассасаларини янги авлод ўқув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисида” Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бунда Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими учун ўқув адабиётларни яратишга қўйилган талаблар ва унинг функциялари, электрон ўқув адабиётларини яратиш тамойиллари ва уларга қўйиладиган талаблар аниқ белгилаб берилди.

Шунингдек, олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг давлат таълим стандартлари асосида фан дастурларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш тартиби, фан дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби, фан дастури ва ишчи фан дастурининг мазмуни ва таркиби аниқ белгилан-

ган. Ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш бўйича профессор-ўқитувчилар томонидан сўнгги беш йил ичида 20 та дарслик, 65 та ўқув қўлланма чоп этилди. Олий таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини илғор хорижий тажрибалар асосида яратиш талаблари ва улардан фойдаланиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишда қуйидаги ишлар амалга оширилмоқда.

Олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш ҳамда дарслик ва ўқув қўлланмаларни янгилаб бориш, хо-

таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашига тақдим этилади.

Бу жуда мураккаб жараённи ўз ичига оладиган босқичда бирлашма таркибидаги шўъба аъзолари, экспертлар ўқув адабиётларни муҳокама қилиш учун жуда катта куч сарф қиладилар. Жорий йилнинг шу кунига қадар 126 та ўқув адабиёти бирлашмага келиб тушган. Улардан 87 та ўқув адабиёт муҳокама қилинди. Яроқсизлари экспертлар хулосала-



*ЎзДСМИ 2017 йил 20 июнь брифинг*

рижий ўқув ҳамда илмий адабиётларни таржима ва таҳрир қилиш, уларни экспертизадан ўтказиш ва олий таълим муассасаларида фойдаланишга тавсия этиш бугунги куннинг энг муҳим масалалардан биридир. 2007 йилдан буён ЎзДСМИда “Санъат” ўқув-услубий бирлашмаси фаолият юритиб келади. 2012 йилдан бошлаб, бирлашмада 7 та шўъба шакллантирилиб, 34 нафар етук профессор-ўқитувчилар шўъбалар таркибига киритилган. Улар 23 нафар экспертларлар ёрдамида республика ОТМларидан бирлашмага келиб тушадиган санъат ва маданиятга оид ўқув адабиётларни таҳлил қиладилар ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус

ри билан Мувофиқлаштирувчи кенгаш қотибиятига қайтарилди.

Бадий таълимни ривожлантиришда энг долзарб муаммолардан бири ҳам айнан замонавий ўқув адабиётларни сифатли яратиш бўлса, яна бири профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг хорижий тилларни ўзлаштириш кўникмаларини оширишдир.

Бугунги кунда хорижий тилларни талаб даражасида ўрганиш учун янги, замонавий ўқув методикалари яратилмоқда ҳамда амалиётга тадбиқ этилмоқда. Жумладан: чет тилларни эгаллашнинг умумевропа компетенциялари талаблари асосида Чет тиллари бўйича Давлат таълим стандартларига теги-

шли ўзгартиришлар киритилди. Чет тилларини ўрганиш, ўқитиш ва баҳолашга доир медиа таълим электрон дастурлари яратилиб ва улар асосида Давлат таълим стандартлари талаблари асосида тажриба синов-онлайн курслари яратилган.

Чет тилини ўқитиш бўйича узлуксиз таълимнинг барча босқичлари учун янги авлод дарсликлари мажмуаси яратилган. Ушбу мажмуалар дарслик, ўқувчи китоби ёки дафтари, ўқитувчи китоби ва мультимедиа иловаларини ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти-

ушбу режага асосан куйидаги ишлар амалга оширилди:

- кафедранинг чет тилидан дарс берувчи профессор-ўқитувчилари 2013 йилнинг 24 сентябридан 24 октябрга қадар Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида мутахассислик бўйича малака ошириб, сертификатга эга бўлдилар;

- чет тилларини ўқитишни такомиллаштириш, ўзаро тажриба алмашиш мақсадида 2013 йилнинг 10 октябрида Ўзбекистон Миллий университетининг Хорижий филология факультети “Инглиз филологияси” ва “Таржима



2017 йил 20 июнь брифинг маърузачи ЎзДСМИ ректори Б. Сайфуллаев

нинг 2012 йил 10 декабридаги “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ – 1875-сонли қарори, вазирликнинг 2013 йил 28 июндаги 218-сонли буйруғига ҳамда ЎзДСМИ ректорининг “Институтда ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятини модернизациялаш ҳамда инновацион таълим технологияларининг жорий этилишини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2014 йил 5 февралдаги № 41-У буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида институтнинг “Тиллар ва адабиёт” кафедрасида чет тилларини ўқитишни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва

назарияси” кафедралари ўртасида ўзаро корпоратив ҳамкорлик шартномаси имзоланди ва ушбу ўқув йилида амалга ошириладиган ишлар режаси белгилаб олинди. Унга қўра кафедралар ўртасида инглиз тили фани бўйича ҳамкорликда семинарлар ва мастер-класслар ўтказиш, очиқ дарсларда экспертлик қилиш, кафедраларда ишлаб чиқиладиган ўқув, ўқув-услубий қўлланмалар, дастурлар, илмий мақола ва тадқиқотларга тақриз ёзиш кўзда тутилган;

- олий таълимнинг бугунги меъёрий талаблари асосида чет тиллари (инглиз, француз, немис, рус) бўйича бакалаврият ва магистратура босқичлари таълими учун ишчи

дастурлар яратилди, ушбу дастурлар кафедра билан инновацион ҳамкорлик ўрнатилган ЎзМУ Хорижий филология факультети “Таржима назарияси ва таҳрир” кафедрасига тақдим этилди ва ижобий тақриз олинди;

- бакалаврият босқичи 3-курс талабаларининг “Чет тили” фанидан топширадиган Якуний Давлат Аттестацияси дастури тузилган бўлиб, ундан аттестацияни ўтказиш тартиби, ҳайъат таркиби, битирувчилар билимини баҳолаш мезонлари, тест саволлари ўрин олган.

-“Амалий чет тили” фанидан ЎзДСМИ



ЎзДСМИ 2017 йил 20 июнь брифинг

қошидаги докторантурага кириш имтиҳонлари дастурлари ишлаб чиқилди;

- кафедра ўқитувчилари томонидан олий таълим стандартлари, ўқув режалари, фаннинг ишчи дастурларига мувофиқ ҳолда 2013-2014 ўқув йили учун тузилган инглиз, немис, француз ва рус тиллари бўйича ўқув-услугий мажмуалар ўқув йили давомида апробация қилинмоқда. Апробация натижалари ўқув йили охирида муҳокама этилиб, ютуқ ва камчиликлари ўрганилиб, тегишли тарзда такомиллаштирилмоқда.

Институтда чет тилини ўқитиш жараёнини янада самарали ташкил этиш мақсадида илғор педагогик технологияларни жорий этиш учун кафедранинг чет тили ўқитувчилари иштирокида махсус ўқув-услугий семинарларни ўтказиш режалаштирилган. Уларга бошқа олий ўқув юртиларидан малакали мутахассисларни таклиф этиш ҳамда чет тили таълимидаги са-

марали методик ишланма ва услублар билан танишиш, уларнинг ижобий жиҳатларини таълим жараёнига татбиқ этишни ташкил этиш режалаштирилган.

Чет тилларини ўқитишда институтда қўлланадиган дарслик ва ўқув-услугий мажмуаларни модернизациялаш бўйича кафедра ўқитувчиларидан тузилган муаллифлар гуруҳи шакллантирилмоқда.

Хорижий тилларни талаб даражасида ўрганишда хорижий тиллардан сабоқ берадиган профессор-ўқитувчилар мутахассислик кафедралари билан ҳамкорликда ишлаб, та-

лабаларга шеър, монолог, ғазални, халқ оғзаки ижодидан намуналарни хорижий тилларда ижро эттириб ва кўпгина ижодий тадбирларда чиқишлар қилмоқдалар.

Институтда айни пайтда якуний назорат жараёнлари, талабалар ижодиёти фестивали бўлиб ўтмоқда. Бадий таълим жараёнида эришган натижаларини томошабинлар олдида, қолаверса, давлат комиссияси олдида намойиш қилиш талаба ёшларга, бадий раҳбарга

катта масъулият юклайди. Талабалар ижодиёти фестивалига бу йил жами 22 та ижодий иш “диплом иши” сифатида танлаб олинди. Шулардан, 2 таси шоу дастури, 3 таси концерт дастури, 17 таси спектаклдан иборат. Спектакллар тарихий ва замонавий мавзуда сахналаштирилган бўлиб, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга хизмат қилади, деб бемалол айтиш мумкин.

Педагог кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги 278-сон Қарорига мувофиқ институт ҳузурида Педагог кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш маркази очилган. Марказ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадр-



ларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли Қарори каби меъёрий ҳужжатлар асосида фаолият юритиб келмоқда.

2013-2017 йиллар мобайнида 20 та йўналиш бўйича олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг 846 нафар профессор-ўқитувчилар ушбу марказда ўз малакаларини оширдилар. Республика театрларининг актёр ва режиссёрлардан иборат ходимларидан 150 нафари касбий малакаларини ошириб, жойларда ўз фаолиятини давом эттирмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тасарруфидаги ташкилотлар Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари раҳбарлари, Истироҳат боғи раҳбарлари ва “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси хонандаларидан жами 986 нафари марказда билим ва кўникмаларини оширдилар.

Марказда институт, республика ва хорижий ОТМларидан таклиф этилган малакали профессор-ўқитувчилар тингловчиларга замонавий услубда дарс бериб келмоқдалар. 2013 йилдан 2017 йилгача бўлган давр ичида Франция, Германия, Жанубий Корея, Австрия, Озарбайжон каби хорижий давлатларнинг нуфузли университетларидан 13 нафар малакали мутахассислар таклиф этилди. Улар инглиз ва немис тилларида марказ тингловчиларига ўқув машғулоти, айримлари “Маҳорат дарслари” ўтказдилар.

Ҳозирги кунда санъат ва маданият соҳалари учун ўз малакаларини ошираётган тингловчилар орасидан аттестациядан ўта олмаётган профессор-ўқитувчилар ҳам бор. Булар умумий малака оширганлар сонига нисбатан 10% ни ташкил этади. Улар албатта, ўз устида кўпроқ ишлаши, изланишлари зарур. Чунки бу марказлар ёшларни ҳар томонлама билим олишларига хизмат қиладиган кадрларни тайёрлашга масъулдирлар.

Ҳозирги кунга қадар 11 та халқаро таълим

муассасалари билан шартномалар тузилган, булар:

1. Беларус давлат санъат ва маданият институти;
2. Корея миллий санъат университети;
3. Корея Республикасидаги Индуук университети;
4. Санкт-Петербург давлат театр санъати академияси;
5. Қозон давлат маданият ва санъат университети;
6. Озарбайжон давлат санъат ва маданият университети;
7. Москва давлат маданият институти;
8. Латвиядаги Резакне олий санъат мактаби;
9. Журғенов номидаги Қозоғистон миллий санъат академияси;
10. М.Авезов номидаги Жанубий Қозоғистон давлат университети;

11. С.Герасимов номидаги Бутунроссия давлат кинематография институти (ВГИК)

Институтда 5 нафар хорижий талаба таҳсил олмоқда. Шулардан 3 нафари Қозоғистон Республикаси фуқароси, 1 нафари Россия Федерацияси фуқароси, 1 нафари Турманистон Республикаси фуқаросидир.

Жорий йилда институтга тажриба алмашиш ҳамда Ўзбекистонда санъатга ва маданиятга яратилаётган улкан шароитлар билан танишиш мақсадида Корея Республикасидан 4 нафар, Қозоғистон Республикасидан 3 нафар, Россия Федерациясидан 3 нафар, Афғонистон Ислоҳ Республикасидан 5 нафар, Германия Федератив Республикасидан 2 нафар мутахассислар ташриф буюрдилар. Шу йилнинг ўзида институтимизнинг 13 нафар ходими чет элда хизмат сафарига бўлдилар.

Ўйлайманки, бу соҳада амалга оширилаётган ишлар келгусида ўз самарасини беради ва бадиий таълимнинг ривожланишига, қолаверса, мамлакатимизда маданият ва санъатни юксалишига хизмат қилади.